



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БОШҚАРМАСИДА
РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ**

**2020 йил 25 февраль
551-сон**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
акциядорлари умумий йиғилишининг
““Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг
кузатув кенгаши түғрисида низом”ни тасдиқлаш ҳақида”**

ҚАРОРИ



“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРИ

““Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг кузатув кенгаши түғрисида низом”ни янги таҳрирда тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 3/б-сон қарори (2000 йил 5 апрель, рўйхат рақами 916) билан тасдиқланган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъерий хужжатларига қўйиладиган талаблар түғрисида низом”га мувофиқ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши **қарор қиласди**:

1. “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг кузатув кенгаши түғрисида низом янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:
 - а) “Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки акциядорлари умумий йигилишининг 2014 йил 19 июндаги 37-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки кенгаши түғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (2014 йил 31 июль, рўйхат рақами 299);
 - б) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2015 йил 3 июндаги 39-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки кенгаши түғрисида низом”га ўзгартериш киритиш ҳақида” қарори (2015 йил 8 июль, рўйхат рақами 299-1);
 - в) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2016 йил 10 июндаги 42-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши түғрисида низом”га қўшимча ва ўзгартеришлар киритиш ҳақида” қарори (2016 йил 14 июнь, рўйхат рақами 299-2);
 - г) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2017 йил 30 августдаги 44-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши түғрисида низом”га ўзгартериш киритиш ҳақида” қарори (2017 йил 31 август, рўйхат рақами 299-3);
 - д) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2018 йил 7 июндаги 46-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши түғрисида низом”га қўшимча киритиш ҳақида” қарори (2018 йил 12 июнь, рўйхат рақами 299-4);
 - е) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2019 йил 10 июндаги 48-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши түғрисида низом”га қўшимча ва ўзгартеришлар киритиш ҳақида” қарори (2019 йил 17 июнь, рўйхат рақами 299-5).
3. Мазкур қарор Банк ички норматив ҳужжатлари реестрида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

Акциядорлар умумий йигилиши раиси

Т.Шарипов

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 февраль,
50-сон.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
акциядорлари умумий йиғилишининг
2020 йил 24 февралдаги 50-сон қарорига
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг
кузатув кенгаши тұғрисида низом
(яңги таҳрири)**

*Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ құшымча ва ўзгартиришлар киритилган:
Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори
билан тасдиқланған ва 570-сон билан рүйхаттаға олинған ички норматив ҳуҗәжат;*

*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан
тасдиқланған ва 604-сон билан рүйхаттаға олинған ички норматив ҳуҗәжат;*

*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан
тасдиқланған ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рүйхаттаға олинған ички норматив
ҳуҗәжат.*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти
тұғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тұғрисида” қонунлари, Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тұғрисида низом
(Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рүйхаттаға олинған) асосида
ишлаб чиқылды ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк)
кузатув кенгашининг мақоми, таркиби, ваколатлари, ишлаш тартиби, Банкнинг бошқа
бошқариш органлари билан ўзаро муносабатини, шунингдек аъзоларининг ҳуқуқи,
мажбурияти ва жавобгарлигини белгилайди. (*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг
2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланған ва 570-сон билан рүйхаттаға
олинған ички норматив ҳуҗәжат таҳриридагы мүқаддима*)

1-§. Умумий қоидалар

1. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади,
у бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида банк фаолиятини назорат қиласы
текшириади ҳамда банкнинг барқарор молиявий ҳолати учун жавобгар ҳисобланади.

Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан
Банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколаттар ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини,
манфаатлар тұқнашувининг олди олиниши ва бартараф этилишини таъминлайдиган
бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан
назорат ва текширувни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари Банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига
күмаклашади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан самарали
ҳамкорликни таъминлайди.

2. Банкнинг кузатув кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк устави, Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорлари, мазкур Низом ва Банкнинг бошқа ички норматив хужжатларига амал қилади.

3. Банкнинг кузатув кенгаши Банк акциядорлари умумий йиғилишига хисобдордир.

2-§. Банк кузатув кенгашининг таркиби, уни шакллантириш ва ваколатини тугатиш тартиби

4. Банк кузатув кенгашининг аъзолари Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари сони Банк фаолиятининг миқёси ва хусусияти, унинг ривожланиш стратегияси ва мақсадларидан келиб чиқиб, шунингдек, ушбу кенгаш томонидан қўмиталар ташкил қилиниши ва уларнинг иш фаолияти йўлга қўйилиши инобатга олинниб, банк акциядорлари сонидан қатъи назар, беш кишидан кам бўлмаган миқдорда тоқ сонда белгиланади, бунда Банкнинг кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзолар сони алоҳида кўрсатилиши керак. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги лозим (бунда уларнинг Банкнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги хисобга олинмайди). (*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжсат таҳриридаги қисм*)

Банкнинг кузатув кенгаши таркибига Банкнинг миноритар акциядорлари манфаатини ҳимоя қиласидиган аъзолар ва мустақил аъзолар киритилади. Банкнинг кузатув кенгаши мустақил аъзосига номзодлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни 76-1-моддасида кўрсатилган мезонларга мувофиқ белгиланади. (*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжсат таҳриридаги қисм*)

Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси Банк акциядори бўлмаслиги ҳам мумкин.

Банкда, унинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахс, шунингдек, ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзоси Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўла олмайди. (*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжсат таҳриридаги хатбоши*)

Икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлган ёки аъзо бўлиш ниятида бўлган шахс ҳам Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўла олмайди (бундан мазкур банклар бир банк гурӯхига тегишли бўлган ҳоллар мустасно).

Марказий банк талабига кўра ваколати муддатидан илгари тугатилган шахс яна

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолигига сайланниши мумкин эмас.

Банкнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахс чекланмаган тарзда қайта сайланниши мумкин.

5. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилиши ва ўз ваколати доирасида асосли қарор қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажриба, билим ва кўнималарга эга бўлиши лозим. Банк Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банклар ва банк фаолияти тўғрисида қонун хужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Банк Банкнинг кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олади.

6. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банк акциядорлари умумий йиғилиши чақирилишидан 10 кун олдин Банкнинг кузатув кенгаши аъзолигига ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли ҳисобланади (бундан Банк кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно). (*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжат таҳриридаги банд*)

7. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар тушмаганда ёки акциядорлар кўрсатган номзодлар сони Банкнинг кузатув кенгашини ташкил этиш учун етарли бўлмаган тақдирда, Банкнинг кузатув кенгаши ўз ихтиёрига кўра Банк акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига Банкнинг кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш масаласини киритиши мумкин.

8. Банк кенгаши аъзолари сайлови қумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк кенгашига сайланниши лозим бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли ҳисобланади.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банкнинг кузатув кенгашига сайланган деб ҳисобланади.

(*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжат таҳриридаги банд*)

9. Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Банкнинг кузатув кенгаши аъзосининг ваколати муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

3-ғ. Банк кузатув кенгашининг ваколатлари

10. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:
 - а) Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - б) Банк акциядорлари йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш, бунда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
 - в) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
 - г) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - д) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - е) Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида масалани Банк акциядорлари умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
 - ё) эълон қилинган акциялар сони ва тури доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банк устав капиталини қўпайтириш, Банк уставига Банкнинг устав капиталини қўпайтириш ва Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
 - ж) амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида бир йилда камида бир марта Банк акциядорлари умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;
 - з) Банк мол-мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - и) Банк бошқаруви аъзоларини сайлаш, улар ваколатини муддатидан олдин тугатиш;
 - й) Банк бошқаруви фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
 - к) Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;
 - л) Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида йиллик ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларни тасдиқлаш;
 - м) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда Банк фаолиятининг натижалари тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;
 - н) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
 - о) ички аудит хизматининг ҳисоботини ҳар чорақда эшитиб бориш, шу ҳисоботлар асосида Банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;
 - п) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан

мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган энг қўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) Банк тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

с) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

т) Банкнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланишни белгилаш;

у) Банк филиалларини ташкил этиш ва тугатиш, ваколатхоналарини очиш ва ёпиш;

ф) Банкнинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва тугатиш;

х) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида назарда тутилган ҳолларда Банкнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштирилиши билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;

ц) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш;

ч) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

ш) Банк акцияларини жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

э) Банк корпоратив облигацияларини, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ю) Банк корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида, Банк ўзи жойлаштирган акцияларни, уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида, сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш;

я) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ў) Банк акциялари эмиссияси проспектини тасдиқлаш, Банк акциялари эмиссияси проспектига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

қ) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарорни тасдиқлаш, қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ғ) ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

х) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб

туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

аа) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолий йўқотишни қоплаш юзасидан захира шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

аб) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

ав) банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режасини тасдиқлаш;

аг) Банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳсласиши;

ад) банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

ае) йиллик молиявий ҳисботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

аё) банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

аж) Банк бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва Банкнинг кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни Банк бошқарувидан олиш (Банкнинг кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин);

аз) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Банкнинг кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

4-§. Банкнинг кузатув кенгаши раиси

11. Банкнинг кузатув кенгаши раиси, Банк кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан унинг аъзолари томонидан сайланади.

12. Банкнинг кузатув кенгаши ўз раисини исталган пайтда, Банк кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, қайта сайлашга ҳақли.

13. Банкнинг кузатув кенгаши раиси ушбу кенгаш ишини ташкил этади, унинг мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи. Банкнинг кузатув кенгаши раиси унинг фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини таъминлашга жавобгар ҳисобланади, шунингдек, унинг аъзолари ўртасида ишончли муносабатларни шакллантиришга хизмат қиласи, мазкур кенгаш йиғилишларида тўлиқ ва кенг қамровли маълумотларни таҳлил қилган ҳолда мустақил фикр алмашинувлари, танқидий қарашлар ва ижодий ёндашувлар

асосида қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

Банкнинг кузатув кенгаши раиси Банк акциядорлари умумий йиғилишида раислик қилади, Банк бошқаруви раиси ва Ички аудит хизмати ходимлари билан меҳнат шартномаларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк устави ва мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

(Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)

14. Банкнинг кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

5-§. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тартиби

15. Банк кузатув кенгашининг мажлиси Банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк кенгаши, Банк бошқаруви ва Банк тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси), овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг бир фоизидан кам бўлмаган қисмига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), шунингдек Банк уставида белгиланган бошқа шахслар талабига кўра чақирилади.

Банкнинг кузатув кенгаши раиси йўқлигида, Банк кузатув кенгашининг мажлиси мазкур Низомнинг 14-бандига мувофиқ, унинг вазифасини бажараётган Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси томонидан чақирилади.

16. Банкнинг кузатув кенгаши раиси Банк кузатув кенгашининг мажлиси чақирилишини, агар масала бундай ваколатга эга бўлмаган шахс томонидан талаб қилинган бўлса ёки Банк кузатув кенгашининг ваколатига дахлдор бўлмаган масала қўйилган бўлса, рад этиб қарор чиқаради.

17. Банк кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банкнинг кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак. Банк Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг сони Банк уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун навбатдан ташқари Банк акциядорлари умумий йиғилишини чақиради. Банк кузатув кенгашининг қолган аъзолари бундай навбатдан ташқари Банк акциядорлари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли ҳисобланади.

18. Банк кузатув кенгашининг мажлисида қарор мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк кузатув кенгашининг мажлисида масала ҳал этилаётганда унинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банк кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овоз бериш ҳуқуқини Банк кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл

күйилмайди.

Банкнинг кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда ушбу кенгаш аъзоларининг овозлари тенг бўлса, Банк кузатув кенгашининг раиси ҳал қилувчи овоз хукукига эга бўлади.

Ушбу Низом 10-бандининг “ё” кичик бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Банкнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

19. Банк кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- б) мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- в) мажлиснинг кун тартиби;
- г) овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича ўтказилган овоз бериш якунлари;
- д) қабул қилинган қарорлар.

Банкнинг кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган ва иштирок этган Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади (мажлис баённомаси электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳам имзоланиши мумкин), улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хуёжсат таҳриридаги қисм*)

20. Банкнинг кузатув кенгаши қарори сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ушбу кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Сиртдан овоз бериш якуни бўйича ҳам баённома расмийлаштирилади.

Банкнинг кузатув кенгаши Банк акциядорлари ва инвесторлари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш учун Банк кузатув кенгашининг йиғилиши видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

21. Банк кузатув кенгашининг баённомаси варақлари рақамланган, ип билан тикилган, Банк бошқаруви раиси ўринбосарининг ҳамда баённомаларни рўйхатдан ўтказувчи Бош банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти раҳбарининг имзолари ва асосий муҳр билан тасдиқланган маҳсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

22. Банк кузатув кенгашининг мажлиси баённомасининг нусхаси ёки баённомадан кўчирма қуйидагиларга ижро этиш учун топширилади:

- а) имзоланган куни Банк бошқарув раиси ва аъзоларига;
- б) филиаллар ва Бош банк таркибий тузилмалари раҳбарларига (агар кўрилган

масала уларга функционал жиҳатдан дахлдор бўлса);

в) бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг сўрови бўйича (фақат Банк бошқаруви раисининг рухсати билан);

г) суд, хукуқ-тартибот органлари ва бошқа давлат идораларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларда.

23. Бош банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти Банк кузатув кенгашининг мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича ҳужжатларни тўплайди (йигади) ва уларни Банк кузатув кенгашининг мажлисига киритади, ушбу кенгаш мажлисларининг баённомаларини рўйхатдан ўтказади ва сақлайди, Банк кузатув кенгашининг қарорлари уларни бажариш учун масъул бўлган филиалга ёки Бош банк таркибий тузилмаларига ўз вақтида етказилиши учун жавоб беради.

6-§. Банкнинг кузатув кенгаши ва аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари

24. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари хукуклари ва мажбуриятларини амалга ошириш чоғида Банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси ўз фаолиятини амалга ошираётганда масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарлик ва жонкуярликни намоён қилиши ҳамда содиқлик билан хизмат қилиши лозим. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм*)

Банк кузатув кенгаши аъзосининг жавобгарлик ва жонкуярликни намоён қилишига қуйидагилар киради:

а) қарорларни онгли равишда қабул қилиш ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, шу жумладан, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш;

б) хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш;

в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави ва Банк ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

(*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм*)

Банк кузатув кенгаши аъзосининг Банкка содиқлик билан хизмат қилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ўзи билан боғлиқ барча мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини ошкор

қилиш;

- б) ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаати йўлида фойдаланмаслик;
- в) манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва Банк манфаати йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик.

(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм)

- 25. Банкнинг кузатув кенгаси аъзоларининг ҳукуқлари:
 - а) Банк кузатув кенгашининг мажлиси чақирилишини талаб қилиш;
 - б) Банк кузатув кенгашининг мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масала бўйича, белгиланган регламент доирасида, сўзга чикиш;
 - в) Банк фаолиятининг маълум бир даврдаги фаолияти натижалари ҳақида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумот олиш.

26. Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси ҳисобга олинган ҳолда Банк кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига, улар ўз мажбуриятларини бажарган даврда, ҳар ойда 4000000 (тўрт миллион) сўм ёки бир йилда 48000000 (қирқ саккиз миллион) сўм ҳақ тўланади.

Агар Банк кузатув кенгашининг қарори билан унинг айрим аъзоларига уларнинг мажбуриятларидан ташқари Банк фаолияти бўйича муайян функцияларни бажариш юкланган бўлса, қўшимча юкланган ишларнинг ҳажми ва бажариш даври ҳисобга олиниб, уларга ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 50 баробаригача ҳақ тўланади. *(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган хатбоши)*

Банк кузатув кенгашининг аъзоларига тўланадиган ҳақнинг умумий қиймати Банкнинг бизнес-режасида алоҳида сатр билан кўрсатилади. *(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган хатбоши)*

- 27. Банк кузатув кенгашининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:
 - а) ўз ваколатларини Банк, омонатчилар ва акциядорларнинг манфаатлари йўлида амалга ошириш;
 - б) омонатчилар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун кредитлаш ва инвестициялаш операцияларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;
 - в) Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;

- г) Банк оладиган фойдани мониторинг қилиш;
- д) ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш;
- е) ҳар йили Банк акциядорлари умумий йигилишига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган корпоратив бошқарув талабарининг бажарилиши юзасидан ҳисобот тақдим этиш;
- ё) Аудит ва Таваккалчиликларни бошқариш қўмиталарга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларнинг ижросини доимий равишда назорат қилиб бориш ва бунинг учун етарли вақт ажратиш ҳамда ушбу қўмиталарни тажрибали аъзолар билан бутланишини таъминлаш; (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд*)
- ж) Банк бошқаруви томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш тизимиға риоя қилиш даражасини назорат қилиб бориш ва йилига камида бир марта меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг самарадорлигини қайта кўриб чиқиш; (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд*)
- з) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиш; (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд*)
- и) Банкда ягона корпоратив маданиятни яратиш мақсадида:
- Банк фаолияти қонуний ва одоб-ахлоқ қоидалари асосида юритилиши учун корпоратив қадриятлар ва стандартларини ўз ичига олган Банкнинг одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш ва уларда белгиланган қоидаларга барча ходимлар, шу жумладан, Банкнинг бошқарув органлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;
- корпоратив қадриятлар ва стандартлар, одоб-ахлоқ кодекси ҳамда Банк томонидан ишлаб чиқилган тегишли сиёсатлар барча ходимларга тушунтирилиши ва ижро учун етказилиши устидан назорат қилиш;
- номақбул хатти-харакат ва (ёки) қоидабузарликни амалга оширган ходимлар, шу жумладан, Банк бошқарувига нисбатан интизомий чоралар қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириш.
- (Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга*

(мувоғиқ киритилган кичик банд)

27-1. Банкнинг кузатув кенгаши аъзосидан ўз вазифаларини амалга ошириш доирасида қуидагилар талаб этилади:

- а) Банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилмаси ва Банк кузатув кенгашининг функцияларини билиш;
- б) корпоратив бошқарувдаги ўз ўрнини англаш;
- в) банк фаолиятига, шунингдек, банк-молия соҳасига хос бўлган таваккалчиликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш борасидаги билим ва малакасини доимий равишда ошириб бориш;
- г) Банк фаолиятида фаол қатнашиш, унинг фаолиятидаги ва ташқи шароитлардаги муҳим ўзгаришларни кузатиб бориш, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда Банк манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз вақтида кўриш;
- д) Банкнинг корпоратив маданияти ва қадриятлари шаклланишида етакчи ўринни тутиш;
- е) кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан Банк кузатув кенгашининг бошқа аъзолари, Банк бошқаруви аъзолари ва Банк ходимларининг қарашларидан қатъи назар ўзининг асосланган фикрини билдириш;
- ё) масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарлик ва жонкуярликни намоён қилиш, содиқлик билан хизмат қилиш, Банк ва унинг барча акциядорлари манфаатини кўзлаб, юклатилган вазифалар ва мажбуриятларни вижданан ва оқилона амалга ошириш, ўз ёки айрим шахслар манфаати йўлида ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик;
- ж) манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳаракатлардан қочиш, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ҳақида дарҳол Банкнинг кузатув кенгашига хабар бериш ва уни бартараф этиш юзасидан чора кўриш;
- з) Банкнинг кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари мажлисларида ўз ваколатини учинчи шахсга ўтказмаган ҳолда иштирок этиш;
- и) Банкнинг кузатув кенгашига аъзолиги чоғида ўзига маълум бўлиб қолган тижорат ва банк сирлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар маҳфийлигига риоя этиш.

(Банк акциядорлари умумий ишгилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжатга мувоғиқ киритилган банд)

28. Банкнинг кузатув кенгаши ўз мажбуриятларини қуидагиларни амалга ошириш орқали бажаради:

- а) малакали Банк бошқаруви аъзоларини ишга тайинлаш;

- б) Банк капиталлашувининг адекватлигини сақлаш;
- в) Банк бошқаруви билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини белгилаш;
- г) Банкнинг самарадор сиёсатларини ишлаб чиқиш;
- д) қонуний, хавфсиз, соғлом ва самарали банк фаолиятини юритиш учун адекватли операцион сиёсатларни кўллаш;
- е) банк операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва Банк сиёсатларига мувофиқлигини таъминлаш учун уларнинг устидан адекватли назоратни амалга ошириш;
- ё) Банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

28-1. Банкнинг кузатув кенгаши ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун йилда камида бир марта қуидагиларни амалга оширади:

- а) Банк кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосининг касбий масъулиятини у томонидан амалга оширилган ишларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва натижалари асосида баҳолайди;
- б) ўзининг бошқарув усуллари ва сиёсатининг самарадорлигини кўриб чиқади, улардаги муаммоли жиҳатларни аниқлайди ҳамда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

(Банк акциядорлари умумий ишгилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)

29. Банкнинг кузатув кенгаши ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажаришда Банкнинг комплаенс-назорат, ички аудит ва таваккалчиликларни бошқариш тизимларига таянади ҳамда уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш учун Аудит қўмитаси ва Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси ташкил этади.

Ушбу қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби ҳамда таркиби Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ҳар бир қўмита бўйича алоҳида ички норматив ҳужжатда белгиланади.

(Банк акциядорлари умумий ишгилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга таҳриридаги банд)

7-§. Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

30. Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси Банк фаолиятига доир ўзига маълум бўлган ошкор қилиб бўлмайдиган ахборотни, Банк ички норматив ҳужжатларига мувофиқ

тижорат сирини ташкил этувчи ахборот ва маълумотларни, шунингдек банк сирини ошкор этмаслиги ва шахсий мақсадда фойдаланмаслиги лозим.

31. Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва Банк уставида белгиланган тартибда Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлади.

32. Банкка зарар келтиришга сабаб бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

33. Агар мазкур Низомнинг ушбу параграфи нормаларига мувофиқ Банк кузатув кенгашининг бир неча аъзоси жавобгар бўлса, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

34. Суд Банкнинг кузатув кенгаши аъзосини Банкка мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, унинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унга хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси Банкка чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзи ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бошқарув раиси

С.Нормухамедов

Бошқарув аъзолари билан келишиилди:

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

Ф.Самарходжаев

Бошқарув раиси ўринбосари

К.Габбазов

Бошқарув раиси ўринбосари

З.Курганов

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи департаменти директори

М.Маисова

Стратегик ривожланиш департаменти директори

С.Урманова

Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори

М.Мухаммедярова

Юридик хизмат департаменти директори в.в.б.

М.Мамбетов